

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА
ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

“ТАРМОҚЛАР ИҚТИСОДИЁТИ” КАФЕДРАСИ

Кўлёзма ҳуқуқида

УДК: 338.5:658(575.11)

МАХБУБОВА КАМОЛА БАХТИЁР ҚИЗИ

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА САНОАТ
КОРХОНАЛАРИНГ РЕНТАБЕЛЛИК ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ
ВА МОЛИЯВИЙ СОҒЛОМЛАШТИРИШ

5A230102 - Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

Профессор. Жураев.С

Тошкент – 2023

Магистрлик диссертация иши “Тармоқлар иқтисодиёти” кафедрасида
дастлабки ҳимоядан ўтган.

11- сонли баённома « 27 » 04 2023 й.

Илмий раҳбар: профессор.С.Жураев

[Signature]
имзо сана

Магистр: К.Махбубова

[Signature]
имзо сана

Диссертация иши Иқтисодиёт факультетида 2023 йил “ 23 ” 05

№ 2147 рақами билан рўйхатга олинган.

“Ҳимояга тавсия этилади”

“Тармоқлар иқтисодиёти” кафедраси

муdiri, доц. И.Хотамов

“ 5 ” июль 2023 йил

Ҳимоя 2023 йил “ 24 ” 05 соат 10:00 да Тошкент давлат
иқтисодиёт университетида бўлиб ўтади.

Аннотация

Магистрлик диссертация ишида иқтисодийни модернизациялаш шароитида саноат корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, даромадлилик даражасини ошириш ва молиявий соғломлаштириш бўйича чора тадбирлар, молиявий барқарорлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари, корхоналар фаолиятини иқтисодий таҳлил орқали ривожлантириш йўналишларини белгилаш, саноат корхоналарининг бозор фаолиятларини баҳолаш, саноат корхоналарининг бозор фаолиятларини ривожлантириш бўйича маркетинг стратегияларини танлаш, ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ҳисобига иш ўринларини яратиш, корхона имкониятларини кенгайтириш бўйича илмий таклиф ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш орқали хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича биринчи навбатда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, кооперация алоқаларини кенгайтириш, мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш, мамлакатимиз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ишлаб чиқарилган маҳсулотларига ички талабни рағбатлантириш масалалари алоҳида ўрин тутди.

Калит сўзлар: хусусий тадбиркорлик, кичик бизнес, камбағаллик, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, ижтимоий фаровонлик.

Abstract

This master's dissertation focuses on measures to ensure financial stability of industrial enterprises in the context of modernization of the economy, increase profitability and financial recovery, the main directions of financial stability, development of enterprises through economic analysis, assessment of market activities of industrial enterprises, development of market activities of industrial enterprises. Scientific proposals and practical recommendations for the selection of marketing strategies, job creation through the launch of production facilities, expanding the capabilities of the enterprise.

In order to support private business entities by improving the business environment, the issues of modernization of production, expansion of cooperative relations, establishment of solid cooperation, stimulation of internal demand for the products of small businesses and private business entities of our country took a special place.

Key words: private entrepreneurship, small business, poverty, modernization of production, social welfare.

МУНДАРИЖА

I БОБ.	КИРИШ.....	8
1.1.	Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.....	9
1.2.	Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари.....	9
1.3.	Тадқиқотнинг асосий муаммолари ва саволлари.....	10
1.4.	Тадқиқот объекти ва предмети.....	10
1.5.	Тадқиқот натижаларининг илмий-назарий ва амалий аҳамияти....	11
1.6.	Диссертация таркибининг қисқача тавсифи.....	11
II БОБ.	АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ.....	12
2.1.	Адабий манбаларда келтирилган тадқиқотлар натижалари.....	12
2.2.	Тадқиқот гипотезаси.....	13
III БОБ.	ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ.....	15
3.1.	Маълумотлар манбалари.....	15
3.2.	Тадқиқот дизайни.....	16
3.3.	Тадқиқотда қўлланилган услублар.....	16
3.4.	Тадқиқотни ўтказиш учун зарур шароитлар.....	17
3.5.	Тадқиқот жараёнида кутилаётган муаммолар ва уларнинг ечими..	18
3.6.	Тадқиқотдан кутилаётган илмий ва амалий натижалар.....	19
IV БОБ.	ТАДҚИҚОТ ТАҲЛИЛИ ВА НАТИЖАЛАР.....	20
4.1.	Корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, даромадлилик даражасини ошириш ва молиявий соғломлаштиришнинг назарий асослари	20
4.2.	Саноат корхоналарининг рентабеллик кўрсаткичлари ва уларни баҳолаш усуллари мазмуни	37
4.3.	Иқтисодий ночор саноат корхоналарини рентабеллик даражасини ошириш ва молиявий соғломлаштиришнинг ҳуқуқий жиҳатлари	58
4.4.	Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган корхоналар молиявий самарадорлигини бугунги кундаги ҳолати таҳлили.....	73
V БОБ.	ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	74
5.1.	Тадқиқотнинг асосий илмий - амалий янгилиги ва натижалари....	75
5.2.	Тадқиқот натижасида келтирилган асосий тавсия ва таклифлар....	76
5.3.	Келгуси тадқиқотчилар учун таклифлар.....	78
	ҲОЛДА ҚОЛДИРИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	80

I БОБ. КИРИШ

1.1. Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.

Бугунги кунда бошқарувчилар инновацион тараққиётнинг глобал ўзгаришларига жумладан, ижтимоий, технологик ва иқтисодий таркибий ўзгаришларига тўқнаш келмоқдалар. Бу ўз навбатида корхонани ривожлантиришда бошқарувчилик соҳасидаги ҳали кўплаб ўрганилмаган стратегияларни ва жаҳон тараққиётидаги тараққиётга элтувчи жараёнларни чуқур ўрганишни тақозо этмоқда. Янги корхона ва ташкилотларни ташкил этиш, шунингдек, фаолият юритаётган корхона ва ташкилотларни давлат томонидан қўллаб қўвватлаш ва кўрсатилаётган хизматлар рўйхатини кенгайтириш келгусида иш ўринларини кўпайтириш аҳоли фаровонлигини оширишга ёрдам беради. 2021 йил 1 октябрь ҳолатига республикада 386,0 мингга яқин фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотлар қайд этилди. Ушбу кўрсаткич 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 21,0 % га ошган. 2020 йил 1 январь ҳолатига 419,5 мингтани ташкил этиб, улардан 398,1 мингтаси ёки 94,9 % фаолият кўрсатмоқда. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 80,5 мингтага ёки 23,7 % га ошганлигини кўриш мумкин. Корхоналар ҳозирда меҳнатга лаёқатли аҳолининг 50 фоиздан ортигини иш билан таъминлайди. 2019 йилги ҳолатга кўра, Ўзбекистонда меҳнат билан банд аҳолининг 76,3 фоизи корхоналар ҳисобига тўғри келади. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Президенти **Шавкат Мирзиёев** “Битта корхона ўз фаолиятини тўхтатса ҳам, бунга “фавқулодда ҳолат” сифатида қаралиши керак, иқтисодий барқарорлик асоси рақобатбардош корхоналарни ва тадбиркорликни кўпайтиришдир”¹– дея таъкидлаган. Демак ҳозирги кунда корхоналарни ташкил қилиш ва уларнинг фаолиятини ривожлантириш уларга имтиёз бериш, банкротлик ҳолатларидан сақлаш уларнинг

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2020 йил 8 январь куни Давлат бюджети параметрларини ижро этиш ва ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириш бўйича жорий йилги устувор вазифаларга бағишланган йиғилишидан.